
“ШОЛДИРАМА” МАҲАЛЛАСИДАГИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ ҲОЛАТГА КЕЛТИРИЛДИ

Марғилон шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан жойларда электр узатиш тармоқларини жорий ҳамда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, шаҳарнинг "Шолдирама" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини электр энергияси билан таъминловчи 12-сонли трансформатор пунктидан чиқувчи 0,4 кВли электр узатиш тармоқлари ва электр қурилмаларида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Мутахассислар томонидан электр узатиш тармоқлари юкламасини фазалар аро тенг тақсимлаш, дарахт шоҳларидан тозалаш, салқи симларни таранглаш, таянчларни тик ва соз ҳолатга келтириш ҳамда носоз электр қурилмаларини янгилаш, созлаш ишлари олиб борилди.

2023-09-11 16:41:36